

Витрдаги қироат | Ҳадис дарслари (350-дарс)



19:00 / 22.10.2025 1529

رُتُوِي نَاكَ عِي شِيَّ أَبَ ةَشِئَاعِ اَن لَّ اَسْ : لَاقُ ءُ نَعُ ءُ هَل ل ا ي ض ر جِي رُج نُب زِي رَع ل ل دَبَع نَع
مَس ا ح بَس ب ي ل و ا ل ا ي ف ا ر ق ي ن ا ك : ت ل ا ق ؟ م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ي ل ص ه ل ل ا ل و س ر
دَح ا ه ل ل و ه ل ل ا ق ب ة ش ل ا ل ا ي ف و ، ن و ر ف ك ل ل ا ه ي ا ي ل ل ق ب ة ن ا ل ا ي ف و ، ي ل ع ا ل ل ك ب ر
ن ن س ل ا ب ا ح ص ا ه ا و ر ن ي ت د و ع م ل ا و

Абдулазиз ибн Журайж розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Оишадан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нима ила витр ўқишларини сўрадик. У киши:

«Биринчи рақъатда «Саббиҳисма Роббикал аъла»ни, иккинчи рақъатда «Қул йаа айюҳал каафирун»ни, учинчи рақъатда «Қул хуваллоҳу аҳад» ва «Муъаввизатайни»ни ўқир эдилар», деди».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бошқа ривоятларда учинчи рақъатда фақат «Қул ҳуваллоҳу аҳад»нигина ўқиганликлари айтилган.

«Муъаввазатайни» – «аъзу» айтилган икки сура, яъни Фалақ ва Ан-Наас сураларидир.

Ушбу ҳадисдан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг одатда кўпроқ уч рақъат витр ўқиганликлари аён бўлмоқда.

عَفْرِي وَآثَالِثِ سُوْدُقُلْ لِكَلْمَلِ اِنَاْحُبْسَمَسْ اِذِلُوْقِي نَاكَو: دُوَادُ وُبَاوِيْئِئَسْنَلِلْ دَاو
ةَثَلْ لِبَابُهُتَوْص

Насайи ва Абу Довуд:

«Салом берганларидан кейин «Субҳанал маликил қуддус»ни уч марта айтар ва учинчисида овозларини кўтарар эдилар» деган жумлани зиёда қилганлар.

Бу ҳадисда витр намозини тамомлагандан кейин айтиладиган дуо ҳақида сўз бормоқда.

رَسِيْ مَلَسَوِ هِيَ لَعْلَلِ اِلَّصَّ يَبْنَلِ اِنَاكَ: اَهْنَعُ لَلِ اِيْضَرُ شِئَاعُ تَلِئَس
هَآوَر. رَهَجَ اَمْبُرُو رَسَا اَمْبُرُ، لَعْفِي نَاكَ لَكَلْ دَلْ كُ: تَلَا قُ؟ رَهَجِيْ مَأْرُتَوْلَا يَفِةَ اَرْقُلِب
دُوَادُ وُبَاوِيْئِئَسْم

Оиша розияллоҳу анҳодан:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам витрда қироатни ошкора қилар эдиларми ёки махфийми?» деб сўралди. У киши:

«Ўшанинг ҳаммасини ҳам қилар эдилар. Гоҳида махфий, гоҳида ошкор қилар эдилар», дедилар».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Ҳадиснинг маъноси аниқ. Витрни таровеҳ намозидида ошкора ўқиш кенг тарқалганлиги ҳаммамизга маълум.

رَاخَا يَفُ لُوْقِي نَاكَ مَلَسَوِ هِيَ لَعْلَلِ اِلَّصَّ هَلَلِ لُوْسَرَّ نَأْ هْنَعُ هَلَلِ اِيْضَرِيْ لَعْن
نَمَلْ كَاتَاغْمَبَو، كَطَحَسْ نَمَكَا ضَرْبُ دُوْعَا يِنِ اِمْمُهَلَلَا: هْنَمَمَالْسَلِ اَدْعَبْ هَوْرَتُو
هَآوَر. كَسْفَنَ يَلَعَتِيْ نَثَا اَمَكَا تَنَّا كَلِيْ لَعَا نَا ثَا يَصْحُ اَل، كُنَم كَبُ دُوْعَاو، كَتَبُ وُقُع
يِنَسَلِ اِبَا حَصَا

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам витрларининг охирида салом берганларидан кейин:

«Аллоҳумма инни аъзузу биризока мин сахотика ва бимуъафака мин уқубатика ва аъзузу бика минка. Ла уҳси санаан алайка анта кама аснайта ала нафсика», дер эдилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Дуонинг маъноси:

«Аллоҳим, албатта, мен Сенинг розилигинг ила ғазабингдан, офиятинг ила уқубатингдан паноҳ тилайман. Сен ўзингга сано айтганингдек сано айтишга қодир эмасман».

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 5-жузи

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.